



## Р.Г.КЛАВИХО “КУНДАЛИГИ” ДА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ САВДО-СОТИҚ МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ЁРИТИЛИШИ

Раимова Садоқат

Ўзбекистон тарихи кафедраси ўқитувчиси  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.10983147>

### ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 07-April 2024 yil

Ma'qullandi: 12- April 2024 yil

Nashr qilindi: 17- April 2024 yil

### KEY WORDS

Клавихо, “Кундалик”, савдо-  
сотиқ, Амир Темур,  
темурийлар, расталар,  
бозорлар, карвонсаройлар.

### ABSTRACT

*Ушбу мақолада Амир Темур ва темурийлар даврида савдо-сотиқ муносабатлари Клавихонинг “Кундалиги” мисолида ўрганган ва таҳлил қилинган. Бозор, савдо расталари ва савдогарларнинг кундалик ҳаётига доир айрим мулоҳазалар билдирилган.*

Амир Темур томонидан марказлашган давлатнинг барпо қилиниши ички ва ташқи савдони кенгайтиришга катта таъсир кўрсатди. Салтанатнинг деярли барча шаҳар ва қишлоқларида янги савдо расталари, бозорлар, карвонсаройлар қурилди ҳамда карвон йўллари таъмирланди, шунингдек, савдогарларнинг хавфсиз савдо қилишлари учун керакли шароитлар яратилди. Амир Темур ва темурийлар даври савдо муносабатлари, савдогарларнинг фаолияти ҳақида Клавихонинг “Кундалиги”да ҳам қимматли маълумотлар келтирилган.

**АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ.** Шу ўринда муаллиф ҳақида тўхталиб ўтсак. Клавихо 1403 йилнинг 33 май куни Исапниянинг Кадис шаҳридан йўга чиқиб, 15 ойдан сўнг 1404 йилнинг август ойида Самарқандга етиб келади. Муаллиф Испанияга қайтганидан кейин 1 ой муддат давомида Самарқандгача бўлган жойларда кўрганларини ҳисобот кўринишида унга топширади. Шунингдек, Толедо шаҳрида қиролнинг васиятномасини тузилишида ҳам иштирок этган. У 1407 йили Мадрид шаҳрига қайтиб келади ва 1412 йилда вафот этган. Унинг номи Мадрид кўчаларининг бирига қўйилган ва 2003 йил 27-29 январь кунлари И.Каримов ташрифи чоғида Мадрид мери билан учрашув айнан шу ерда бўлиб ўтган.

Асарнинг илк нашри 1582 йилда Севилья шаҳрида Агроте де Молина томонидан “Бюк Темурланг тарихи” номи остида чоп этилган. Лекин, Клавихо бундай ном билан нашр қилмаган бўларди. У Темурланг эмас, Темурбек номи билан атагани диққатга сазовордир. Асарнинг 71-бобида ҳам айнан сабабларини келтириб, уни Темурбек деб атади. 1779 йилда Амирола нашриёти томонидан Кастилия қироллиги тарихига бағишланган йилномалар ва мемуар асарлар тўпламининг 3-жилдида нашр қилинган. 1782 йилда Антонио Санча алоҳида китоб ҳолида нашр қилган. 1943 йилда Мадрид шаҳрида тарихчи олим Фердинанд Лопес Эстрада томонидан “КУНДАЛИКЛАР” испан

тилида нашр қилинган. Шунинг айтиши керакки, Япония, Франция, Россия, Аргентина, Эрон, Туркияда ҳам нашр қилинган. Очил Тоғаев асарни 1987 йилдан бошлаб таржима қилган. 1988-1900 йилларда Санъат журналининг 15 та сониди мунтазам нашр қилинган. 2006 йилда Улуғбек Жўраев томонидан ҳам таржима қилинган, бироқ О.Тўғайевнинг таржимаси анчайин мукамалроқ амалга оширилган. Биз ҳам мақоламизда айнан шу таржимадан фойдаландик.

**НАТИЖА ВА МУҲОКАМА.** Амир Темур ва шахзодалар ташаббуси билан кўплаб масжидлар, мадрасалар, саройлар, ҳонақоҳлар, савдо расталари, дўконлар, устахоналар ва бошқа муҳим иморатлар бунёд қилинган. Хитой, Ҳиндистон, Олтин Ўрда, Мўғулистон ва бошқа мамалакатлар билан сиёсий, дипломатик муносабатлар ўрнатилиши, савдо-сотиқ муносабатларига ҳаи ўз таъсирини кўрсатмай қолмаган.

Клавихо ўз асарида Самарқанд шаҳрида бозорлар ва савдо расталари янгидан қурилгани, ниҳоят даражада обод эканлиги, салтанатда барча озиқ-овқатлар мўл-кўллиги алоҳида таъкидланади. Жумладан, дон ва дон маҳсулотлар жуда арзонлигини айтиб ўтади. “Кундалик”да 1 та кўйнинг нархи 1 дукат эканлиги қайд қилинади. Шунингдек, Самарқанддаги бозорлар ҳақида фикр юритар экан, “Кўчанинг икки тарафига дўконлар ўрнатишди, ҳар бир дўкон олдига мрамор билан қопланган баланд курсилар ўрнатилган. Кўчанинг тепаси гумбаз шаклида ёпилган бўлиб, ёруғлик тушиб турадиган туйнукчалар қўйилган”, - деб ёзган Клавихо. Самарқанддаги савдо расталари қурилишида моҳир ва таниқли меъморлар қатнашган ва шаҳарнинг савдо имконияларини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилган.

**ХУЛОСА.** Айтиши керакки, Амир Темур бозорлардаги нарх-навони, маҳсулотларнинг кириб-чиқиши назорат қилинган. Масалан, гўштнинг нархини оширган қассобларни, молнинг нархини оширган этикдўз ва кавфдўзларни ўлим жазосига ҳукм қилган.

“Кундалик”нинг аҳамиятга молик жиҳати шундаки, муаллиф бу ерадаги озиқ-овқат маҳсулотларининг нархи испан бозорларидаги қиймат билан таққослаган. Хусусан, Самарқандда бир жуфт кўй бир дукат (испан тангаси), мол бир ярим фанега (оғирлик ўлчов бирлиги тахминан ярим кило), арпа ярим реал (донли маҳсулотлар учун ўлчов бирлиги) ун, гуруч каби маҳсулотлар эса жуда арзон бўлгани кўрсатилган. Шунингдек, шаҳарда хунрамандлар кўпчиликини ташкил қилган. Албатта, савдо-сотиқнинг ривожланишида моҳир хунрамандларнинг ўрни алоҳида бўлган. Амир Темур ҳарбий сафарлари вақтида ўз соҳасининг етук мутахассисларини салтанатга олиб келган. Клавихо ҳам бу ҳақида сўз юритар экан, Туркиядан ўқ-ёй усталари, тош йўнувчилар, заргарлар, Дамашқдан шойи тўқувчилар, камон ва бошқа қуролсозларни ясайдиган усталарни олиб келишганини айтади.

Шунинг қайд этиши лозимки, Амир Темур олиб келган турли соҳа вакиллари 100-150 минг нафарни ташкил қилган. Ибн Арабшоҳнинг ёзишича, арғамчи тўқувчилар мамлакатда каноф, зиғир ўсимлиги етиштиришга киришганлар ва ўзлари учун хомашё тайёрлаганлар. Уста-хунрамандлар орасида турк, араб, мавр, арман, юнон ва бошқа миллат вакиллари бўлган.

Хулоса ўрнида шунинг айтиши керакки, Амир Темур даврида марказлашган давлатнинг ташкил топиши, ўз навбатида ички ва ташқи савдонинг ривожланишига, шаҳар ва қишлоқ аҳолиси ҳаётининг яхшиланишига ҳамда бошқа хориж мамлакатлари билан

алоқаларнинг жонланишига олиб келган

**Фойдаланилган манба ва адабиётлар:**

1. Руи Гонсалес де Клавихо. Самарқандга – Амир Темур саройига саёҳат кундалиги (1403-1406 йиллар). О.Тоғаев тарж, масъул муҳ: Муҳаммад Али. – Т.: Ўзбекистон, 2010. – Б. 264.
2. Бартольд В.В. Улугбекъ и эго время. – Петроградъ, 1918. – С. 19-36.
3. Исмоил ака. Буюк Темур давлати. Қ. Қаҳҳор тарж. – Т.: Чўлпон, 1996 – Б. 160.
4. Г.А.Пугаченкова. Темурнинг меъморий мероси. Главная редакция энциклопедий, 1996 – Б. 127.
5. Файзиев Т. Темурийлар шажараси. – Т.: Ёзувчи, Хазина, 1995. – 350 б; Файзиев Т. Темурийлар шажараси. Қайта нашр. – Т.: Info Capital Group, 2020. – 364 б.
6. Юсупова Д. Жизнь и труды Хондамира. – Т.: Фан, 2006. – Б. 34-44
7. Бўриев О. Темурийлар даври ёзма манбаларида Марказий Осиё (тарихий-географик лавҳалар) – Т.: Ўзбекистон, 1997. – Б. 166.
8. Ўринбоев А ва Бўриев О. Гиёсиддин Наққошнинг Хитой сафарномаси. – Т.: Фан, 1991. – Б. 57.
9. Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар. – Т.: Ўқитувчи, 1994. – Б. 93-94

INNOVATIVE  
ACADEMY